

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

kishlokhayoti@mail.ru

1974 yil 1 yanvardan
chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2007 йил 30 июнь кuni Тошкент шаҳрида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишини
давом эттирди.

Парламент юқори палатаси аъзолари ялпи мажлисининг иккинчи иш кунини «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошлади.

Сўзга чиққанлар томонидан таъкидланганидек, мазкур Қонунининг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қўғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 27 сентябрда қабул қилинган Қарорининг 7-бандини ижро этиш юзасидан ишлаб чиқилган. Ушбу Қонун билан «Қимматли қўғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги ҳамда «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар қимматли қўғозлар бозорини янада ривожлантириш учун шароит яратиш, унинг очик-ошкорулигини ва барқарор ишлашини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини кўчатириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида киритилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сарлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш масаласини ҳам кўриб чиқиб, унинг юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йил юзасидан ҳисоботини тингладилар ва маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масала ва Сенат ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.


Парламент юқори палатасининг ўнинчи ялпи мажлисида ҳаммаси бўлиб 14 та масала кўриб чиқилди, улар юзасидан бўлган музокараларда қарийб 50 нафар сенатор сўзга чиқди. Сенат томонидан кўриб чиқилган ҳамда маъқулланган барча қонунлар жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаларини ислоҳ қилиш вазифаларини изчиллик билан бажаришда муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати



“Наврўз”нинг салқин ичимликлари



Айни саратон кунларида салқин, чанқоқбосди ичимликларга талаб катта. Аҳолининг бу борадаги эҳтиёжини қондиришни мақсад қилган пойтахтимиздаги “Наврўз” қўшма корхонасида 22 турдаги яхна ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. 150 нафар ишчи меҳнат қилаётган жамоа “Aqua Layt”, “Aqua Gorut” номли салқин ичимлик сувларини қадқлашаётир.

СУРАТЛАРДА: корхонадаги иш жараёнларидан лавҳалар.

Б.АКРАМОВ олган суратлар.

Тошкент шаҳри

Корхона Ва Касаначи

ҳар иккиси ҳамкорликдан
манфаатдор

Аҳолини иш билан таъминлашни янада кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг “Йirik сановат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони жойларда қўшимча иш ўринлари яратиш, шу билан бирга, оилалар даромадларини оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Эндиликда бу яқка тартибда иш олиб боровчилар, устачунардлар учун кенг имкониятлар эшигини очди, улар кўпгина имтиёزلарга эга бўлаётгилар.

“Богот пахта тозалаш” очик турдаги ҳиссасдорлик жамияти жорий йилнинг ўтган 5 ойида хом гишт тайёрловчи 16 нафар касаначи билан меҳнат шартномаси имзолаган эди. Шу кунгача касаначилар томонидан салкам 3 миллион сўмлик

маҳсулот ишлаб чиқарилди.

– Уйимиз яқинидаги дала четида гишт қуйман, – дейди туманининг Хитой қишлоғида истиқомат қилувчи Назар ака Раҳмонов. – Ўқим ҳам ёрдамлашади. Бу фойдали иш рўзгоримизга қўшимча даромад келтирмоқда. Қулайликларни айтмайсизми, олисга қатнамайман. Бундан вақтим тежаллади, деҳқончилигимга ҳам қарайман. Руслан Матқубов, Қодирберди Тожиев каби

касаначилар ҳам Юртбошимиз томонидан яратилган бундай имкониятлардан мамнун бўлиб, астойдил ишлаяптилар.

Бу йил Ҳазорасп ва Богот туманлари бўйича жами 15477 тонна дон қабул қилиниши мўлжалланаётган “Боготдон” очик акциядорлик жамиятида 15 нафар киши касаначилик билан шўғулланади: Корхонанинг ўзида “Миллий ширинликлар” цехи ташкил қилинган бўлиб, унда меҳнат қилаётган уч нафар хотин-қиз кунига 100 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашмоқда. Гулчехра Рўзметова, Муножат Шерзонова мазкур цехда меҳнат қилсалар, ўн нафардан зиёд хотин-қизлар шартнома бўйича уйда нон ёпаяпти. Зарур бўлган ун маҳсулотни касаначиларнинг уйига элтиб берилади.

Президентимизнинг жорий йилнинг апрель ойидаги “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофазаси қилиш идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридида касаначиликни иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, жумладан, қурилиш корхоналари ҳам жорий этиш ҳақида таъкидланган, – дейди “Агроқурилиш” бошқармасига қарашли 303-масъулияти чекланган жамият бошлиғи Эргашбой Ҳужақов. – Май ойидан буён 13 нафар касаначи билан шартнома имзолаганимиз, уларнинг аксарияти дурадгорлар. Биринчилар қатори шартнома тузган касаначилар миздан Қуранбой ака Рўзметов билан ўғиллари Иномжон ва Ойбек ҳам бирга ишлашади. Уларнинг ойлик маошлари ҳам 100 минг сўм атрофида бўляпти.

Шунингдек, “Туямўйинсув-қурилиш” ОТАЖ га қарашли 5-сон Богот қўшма механизациялашган жамланма шўбча корхонаси маъмурияти 7 нафар дурадгор касаначи билан шартнома асосида фаолиятга киришган. Улар томонидан бир ойда 1 миллион 197 минг сўмлик иш бажарилди. Хар бир касаначининг ўртача ойлик маоши 80-90 минг сўмни ташкил этади. Биргаликдаги фаолият тўғрисида корхона 175 минг сўмни тежашга муваффақ бўлди. Бош хисобчи Эргаш Отаевнинг айтишича, яқин кунлар ичида 12 нафар тунақчи хўнарамандлар билан шартнома имзоланади. Ҳозирча тунақчалар 50 километрдан ошқ жойдан, яъни, Хива шаҳридан келтирилётгани боис, бу маҳсулот корхонага анча қимматга тушмоқда.

Қурилиш турибдики, касаначиликда корхона ҳам, касаначи ҳам факат манфаат қурди.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.
Хоразм вилояти

Тоғлар бағрида муҳрланаётган темир излар

Қадимда туялар из қолдирган
Кўҳна қарвон йўли бўйлаб ўтган Тошғузор –
Бойсун – Қумқўрғон темир йўлидан қатнаётган
поездлар бугун кўзни қувонтиради.

Қумқўрғондан Бойсунгача темир излар босилганига икки йил тўлди. Ундан ҳозирча юк эшелонлари белгиланган манзил томон қатнамоқда. Работ, Дарбанд, Шўрб, Чак-чак ораллидаги 50 километр узунликдаги йўл эса мустақиллик объекти сифатида зарбдор қурилишга айланган эди. “Ўзбекистон темир йўллари” акционерлик компанияси бунёдкорлари ғайрат-шижоат кўрсатдилар. Ундан ортиқ осма кўприк, йигирмага яқин сув ўтказиш иншоотларида қурилиш ишлари муддатидан илгари охирига етказилди. Қурилиш конструкциялари, гишт, шағал, қум ва бошқа темир-бетон ускуналари ортилган поездлар ҳаракати анча илгариларди, Дарбанд қишлоғидан ҳам ўтди.

Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши минтақада туб ижобий ўзгаришлар салишишига имкон бераяпти. Аҳоли манзиллари обод, қўркам тус олаяпти. Янги-янги корхоналар таркиб топиб, ишчи ўринлари яратилляпти. Мўҳими, тоғ ва тоғолди зоналаридаги ҳали кўз очмаган табиий ер ости қазилма бойликлари ўзлаштирилляпти. Шу ўринда бир мисол. Бойсун – тоғли туман. Унинг ҳудудига қўмир, газ, олтингурут ва бошқа кўппаб табиий

бойликлар мавжудлиги аниқланган. Икки тарафлама шартномаларга асосан, Малайзия, Эрон, Германия ва Россия каби хорижий давлатларнинг етук мутахассислари бу ердаги табиий қазилма бойликларни қидириш, аниқланганларни пармалаш ишларини амалга оширяпти.

Дарбанд, Шўрб, Чак-чак, Оқработда бўлган киши тоғлар бағрида, бир-бири билан елка тирашиб ётган қир-адирликлар қўйинида турна қатор тизилиб йўл очётган ўнлаб бахайбат бульдозерларни, тупроқ, тош, шағал ортилган юзлаб БЕЛАЗ, КАМАЗ автомашиналарнинг шиддат билан ҳаракат қилаётганлигини кўриб, беҳиётёр хайратдан ёқа ўшлайсиз. Пўлат излар тоғлар бағрида ҳаёт томирларидек муҳрланиб, қўҳна қарвон йўлидан тобора илгарилар, қулоч ёзяпти. Оралик масофа эса борган сари қисқариб борапти.

Яна бир гап. Ўтган Наврўз байрами арафасида темир йўл Дарбанд қишлоғига етган эди. Истиқлол фарҳадларининг азму-шижоати тўғрисида ҳозир яна 5 километрга қўзилди. Ўтган йилнинг июнь ойида Дарбанд қишлоғида тепловоз ҳамда вагонларга хизмат кўрсатадиган шохобча-станция ва етмиш беш

ўринли вокзал биноси қурилишига пойдевор қўйилган эди. Иш жадал суратларда олиб борилади. Замонавий услубда бунёд этилган бино фуқуқдор табиатга эга бўлган Дарбанд қишлоғи чиройини янада гўзаллаштириб юборди. Бека биноси иш беш хонадан иборат. Ундан йўловчиларга тиббий хизмат кўрсатиш, оналар ва болалар хонаси, газета дўкони, кутубхона алоҳида ўрин олган.

Дарбанд бекатини қуришда Рустам Полёзов бошчилигидаги Зокир Давлатов, Жамолддин Камолдидинов, Мўмин Машарипов, Жаҳонгир Машарипов сингари ишчиларнинг хизмати катта бўлди. Саралаш станцияси ҳамда локомотив депоси ҳам шу ердан ўрин олган. Унда темир йўллар тўққиз қаторни ташкил этади. Ҳозир унинг тўрт қатори тайёр. Станцияда тепловоз ҳамда вагонларни алмаштириб, манзилга йўллаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилади.

Ҳа, Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли қурилишида лойиҳалаштирилган яна бир иншоот тайёр. Бека олдидаги майдон ўзига хос ям-яшил арчазорни эслатади. Ободонлаштирилган, қўркам, чиройли. Ҳиббонда мевали дарахтлардан ташқари, минг туп арча ўстирилляпти. Дарёкче, темир йўл қурилишининг охири ҳам қўйнади деб қолди. Тоғлар бағрида қуриляётган баланд, осма кўприкларда иш охирига етиши билан одамларнинг ўзоғи яқин, мушқули осон, оғири енгил бўлади.

Омон ШУКУРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Сурхондарё вилояти

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг навбатдаги битирувчиларига дипломлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда мазкур академия ўқитувчи-мураббийлари, харбийлар, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари ҳамда битирувчиларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Малакали офицерлар - содиқ ўғлонлар

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ҳарбий тизимида амалга оширилётган кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Мамлакатимиз олий ҳарбий таълим тизимида барча бўғиндаги кадрларнинг профессионал қобилияти ва малакасини ошириш, жанговар ва интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган,

ҳар қандай шароитда мустақил қарор қабул қила оладиган малакали офицер-мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси – Қуролли Кучларимизнинг малакали офицер кадрлар тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган йirik таълим муассасаларидандир. Айни пайтда академияда юксак малака ва интеллектуал салоҳиятга эга профессионал офицер кадрлар тайёрланаётгани Қуролли Кучларимиз

таркибини қўйилган талабларга жавоб берадиган, пухта тайёргарликка эга командирлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Битирувчиларга дипломларни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби бошлиғи генерал-майор В.Махмудов топширди.

Жасур КЕНГБОВЕ,
УзА мухбири.

Қорақалпоғистонда замонавий спорт иншоотлари қўнаймоқда

Маълумки, келгуси йили “Баркамол авлод – 2008” спорт мусобақалари Қорақалпоғистонда ўтказилади. Унда мамлакатимизнинг академик лицейлари ва касб-хўна колледжлари ўқувчилари спортнинг ўн тури бўйича ўзларининг куч ва маҳоратларини намойиш этишади.

Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикасида мазкур спорт байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида кенг қўлабда тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Жумладан, янги спорт иморатларини бунёд этиш баробарида мавжуд объектларни капитал

реконструкциялаш ва таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқиндагина Нукус шаҳрида “Манеж” деб номланган замонавий спорт мажмуаси қурилиши аяқланди.

Бу ерда бир вақтинч ўзида спортнинг бир неча тури бўйича мусобақалар ўтказиш имконияти мавжуд. “Турон” спорт мажмуасида шу кунларда 386-қурилиш-монтаж кўчма механизациялашган жамланмаси бунёдкорлари капитал реконструкция ишларини олиб боришляпти.

– “Турон” халқаро талабларга тўла жавоб берадиган

ўйингоҳга айланади, – дейди мазкур корхона раҳбари А.Пазилбеков. – Олдинги ёғоч ўриндиқлар пластик креслоларга алмаштирилди, электрон табло ўрнатилди. Бундан ташқари, стадион биносида имомвий ахборот воситалари ходимлари иштирокида тадбирлар ўтказиладиган катта зал, спорт шарҳловчилари мусобақаларни тўғридан-тўғри шарҳлаб, эфирга узатишлари учун алоҳида хона бунёд этилади.

Стадион ёнида Нукус спорт коллежининг янги ўқув биноси қурилиши ҳам давом этаётир. Бу ерда ёпиқ спорт зал,

Сиз бунга
нима дейсиз?

Аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилашда йўллардаги бекатлар алоҳида аҳамиятга молик. Чунки, транспорт воситасини кутиб турган йўловчини ёзда офтоб тигидан, қишда ёғингарчиликка паноҳ бўлувчи бу бекатлардир.

Йўловчининг
Ушбу
бекатдан
бошланади

Лекин негадир кейинги вақтларда янги бекатлар қурилишига, эскиларини таъмирлашга эътибор сусайиб кетди. Қишлоқ-туманларда йўл чекчасидаги бекатларни ким, яъни қайси ташкилот қуриши кераклиги баҳс-талаш бўлиб қолмоқда. Кимдир қишлоқ фуқаролар йиғинининг вазифаси десам, кимдир туман ҳокимлиги масъул дейди. Қолганлар туман йўл қурилиш ва таъмирлаш идорасининг иши, деб айтмоқда.

Бизнингча, маълум туман ҳудудига бекат қуриш ёки уни таъмирлаш юқоридида номлари зикр этилган ташкилотларнинг ҳамкорликда амалга оширадиган вазифаси бўлса керак. Зеро, бундан уларнинг барчаси манфаатдор.

Аммо, ҳозирча улар бир фикрга келгунларича йўловчилар очик ерда, ёғин-сочинда, куёш тиги остида соатлаб автобус ёки бошқа транспорт воситасини кутишга мажбур бўлмоқдалар. Аслида, битта бекат қуриш ёки уни қайта таъмирлаш учун унчалик катта маблағ сарфланмайди. Ҳозирда қишлоқларда ҳам мулкдорлар синди – фермерлар шаклланди. Балким бу ишга уларни ҳам жалб этиш керакдир. Ахир бу ниятда савобли иш-ку.

Шунингдек, пойтахтимиз қўчаларидаги бекатлар хусусида тўхталиб ўтишни ҳам жоиз деб билдик. Маълумки, ушбу бекатларнинг аксариятида хусусий дўконлар жойлашган. Майли, бу йўловчининг харид қилиши учун бир қўлайлиқдир. Қолаверса, турли мезморий услубларда қурилган дўконлар бекатларга чирой бермоқда ва шу савдо шохобчалари тўғрисида бекатлар озода ва саришта.

Лекин бекатларда дўконлар қурилиши хисобига транспорт воситаларини қутуви йўловчилар учун майдон тор бўлиб қолган. Баъзан қатновдаги транспортларда бир оз узилиш бўлса, бекат ниятдаги тирбанд бўлиб кетади. Бу эса қўллама-қанда турли қўнғилсиз воқеаларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, бекатдаги кўпгина йўловчилар туриш майдонига жой бўлмаганлиги учун қатнов йўлига чиқиб турадилар ва йўлдаги транспорт ҳаракатига ҳалақит берадилар. Айниқса, шаҳардаги эски бекатлар майдони янги қурилган дўконлар хисобига ниятда тор бўлиб қолган. Булар йўловчилар ҳаёти учун жиддий ҳаф солиши мумкин.

Майли, бекатларда дўконлар қурилсин. Лекин бу ўринда ҳаракат ва йўловчилар ҳафсизлиги ҳам эътиборга олинса, мақсада мувофиқ бўлар эди. Шунда шаҳар кўри, транспорт қатнови ва йўловчилар ҳафсизлиги учун ҳам яхши бўлади. Агар йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш маданийтини яшайламоқчи бўлсак, аввало, ишни бекатлардан бошламоқ зарур.

Абдуразақ ҚАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Қишлоқ ҳаёти

Братислава кўчаси, 11.
1-40-33, 361-40-90,
361-12-77

Братислава кўчаси, 11.
1-40-33, 361-40-90,
361-12-77

Рухиятимиз оғриқлари

Махалламизда ёшгина бир аёл вафот этди. Мархума руҳига Қуръон тиловат қилинаётган. Шу пайт ўн олти-ўн етти ёшлардаги уч нафар ўсмир велосипедда йўлни икки четида ўтирган одамлар ўртасидан ўтиб кетишди. Мусибатдан боши эгик одамлар бири-бирига қараб қўйишди, уларнинг оғринганини юз-кўзларидан пайкаш қийин эмасди. Ачинарлиси, улар шу махалланинг йигитлари эди. Уларга ота-оналари одоб-ахлоқ ва удулларимиз ҳақида наҳотки айтишмаган, тарбия беришмаган бўлса?

Кўпинча оила тарбиясига эътибор қўйиб қолгани боисини фақат турмуш ташвишлари йўлида, "Эртдан кенчага қимирлаб турмасангиз бўлмайди-да, қийналиб қолсан, киши", дейишди. Бироқ, бундай калтагина уйлаш биз ота-оналар

"Сенга айтишмаганим, қилим?"

ни оқлашга, зиммамиздаги масъулиятни енгиллатишга асос бўлмайди. Хар қандай шароитда ҳам ота-она фарзанд тарбияси билан шуғулланишга вақт топиши зарур. Акс ҳолда салом беришни, асосдан чиқарилган, автобусда жой беришни, таъзия маро-риб, бир чеккада сикат чекки турадиган, хуллас, фақат ўзини ўйлайдиган йигит-қизлар қилигидан афсусланаверасиз.

Яна бир воқеа. Автобус бекатида турганда. Ёнимизда икки йигит қаттиқ жанжаллашиб қолди. Сабабини эшитиб, қулишни ҳам, қулишни ҳам билмайди киши. Ажабо, улар оталарининг мол-дунё топишлари устида тортишган экан... Фарзандининг нима ҳақда ўйлаши, отанинг топармон-тутармонлиги унинг тарбиясига қандай таъсир қилаётгани отасини қизиқтирганмикан?

Болалигимизда, ўсмир ёшда оиладаги катталар юриш-туришимизу одоб-ахлоқимизни доим назорат қилишар эди. Тартибни бузиб қўймас, даққи эшитардик. Ҳатто, жазоланиб ҳам турардик. Ҳозир ҳам ота-оналар бунга жиддийроқ қарашса, деймиз. Зеро, жамият тақдирини, келажагини ёшларга боғлиқ экан, оила тарбияси катта эътибор бермоғимиз шарт деб ўйлайман.

Аҳмаджон РАҲИМОВ



Мулоҳаза

Она ўғилчасини қўлидан маҳкам тутиб олган. Ўзи шошиляпти. Ўғлини ҳам тез юришга қўйди. Ўғил онасидан даққидашом эшитмаслик учун чопқиллаб борапти. Уларга изма-из эргашиб:

— Йигитчани қаёққа шошиляптир-де? — дейман.

— Шошиляптир, бўлмайди, — дейди она ўғлида давом этар экан, — мактаб узоқ, кеч қоляпти.

Онанинг иккинчи қўлидаги қора рангли мактаб папкасига кўзим тушади.

— Ундай бўлса, кеч қолмаслик керак.

Ундовим уларнинг қадами-

ни тезлаштириб юборди. Бир оз юрган, "Махаллада ҳам мактаб бор-ку", деган ўй келди. Илдамлаб бораётган онага ҳозиргина миямда пайдо бўлган саволи бераман.

— Яхши ўқитишмайди-да, у ерда, — жавоб беради она. Кейин улар югургилаб, анча узоқлашиб кетишди.

Автобус бекати... Болақай-ни онаси мактабга бораётган тенгдошлари сафига қўшиб, ўзи эса шошиланча кетди. Бекатда яна ишдан келишган катталар ҳам бор. Улар дам-бадам у ёқдан-бу ёққа юришди. Сабрқиллари эса қирашди. Енгил машиналарга қўл силташди. Кейин бекатдагиларга

Халқ оғзаки ижодиётида шу халқнинг донолиги, зукколиги, қахрамонлиги, яхшилиги ёмонлиги ҳақидаги тушунчалари гўзал ва оддий таразда баён қилинади. Фольклор асарларининг сеҳри шунчаликки, ҳатто, улар бошқа тилларда ҳам йиллар оша чиройли куйланиб келинади. Куйидаги далил бунга ёрқин мисол бўла олади.

Бола нега изза бўлди?

Бунда биз катталарнинг ҳиссаси қанча?

"мана, биз кетдик" қабилида қараб, жўна қолишди. Ниҳоят, автобус... Кўп қатори бола шериклари билан автобусга интилади.

— Қаёққа, қаёққа?! — ўдағайлайди катта ёшдагилардан бири унга. — Ўзингдан катталарга йўл бермайсанми?

Бола изза бўлди. Ортига тисарилади. Бегона кишининг кўмағида катталар, албатта, болалардан илгарироқ автобусдан жой олишди. Патта сотувчи аёл ҳам бўш келмай, уларга ўдағайлайди: "Хой, зумрашлар, пуллариң борми?"

Ўқувчилар худди қалдирғоч полапонларидай қўриқиб-писиб, ўзларини четга олишди. Автобус тўла одам. Хар ким ўз ташвиши, ўз мулоҳазаси билан банд. Бола катталар орасида зўрба-зўр нафас олиб борапти. Салон навбатдаги бекатда бир оз енгиллайди. Бола кимнинг, бўш ўринидики шайланганида, кекса йўловчи пайдо бўлади. Орқа ўринидики ўтирган киши унга меҳрибонлик кўрсатади.

— Хой, бола! Тур ўрингдан! Ўзингдан каттага жой берсанг-чи, без бўлиб ўтириб олгани-чи бунинг!

Бу гапдан сўнг бола индамай ўрнидан туради. Унинг елкасидаги сумкаси ўзига оғирлик қилади.

Энди болақай дарсда. У омон-эсон мактабига етиб олган. Онаси айтган билими ва тажрибали ўқитувчи дарс ўта-япти. Бироқ, биз билган бола-жоннинг ҳаёли жойида эмас. Унинг кичик жуссасидаги катта-кичик ўй-хаёллари қаерлар-дадир сайр қилиб юрибди. Муаллима тажрибали-да, бунинг илғайди:

— Фалончи, сўзимни нима билан аяқуладим? — дейди.

Ўқувчи доғдирар қолади. Ердан бошини узмай бир нима дейди. Синфда гўрр қул-гу кўтарилади...

Айтинг-чи, боланинг изза бўлишига шу бир кун ичида сиз билан биз қанчалик ҳисса қўшидик экан-а?!

Маъмур МУСУЛМОНОВ, журналист.

Автобуслар Тошкентга қачон келтирилган?

Жаҳонда биринчи автомобиль пойгаси 1894 йилда Парижда бўлиб ўтган. Ўша вақтда соатига 12 километр тезликка эришилган.

1901 йилда бутун дунёда ҳаммаси бўлиб 7100 та автомобиль бор эди. Орадан чорак аср ўтган, машиналар сони 27 миллионга етди.

Автобиллини самолёт билан "қатиштириш"га бир неча бор ҳаракат қилинган. Бу уринишлар базан муваффақиятли чиққан. Ҳатто, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Америкадаги компаниялардан бири ўзичар автобилларни туркум сифатида ишлаб чиқаришга ҳаракат қилди.

Аммо бу амалга ошмади. Асосий сабаб "дугагай" таннархнинг жуда қimmat — беш минг долларга яқин баҳода бўлиши ҳисобланган. 1948 йилда бу нарх жуда катта саналарди.

Ўзбекистонда ilk автомобиль 1902 йилда пайдо бўлди. Шундан сўнг тўрт йил ўтган Скобелев-Горчаково, яъни ҳозирги Фарғона-Марғилон йўналиши бўйича мунтазам қатновчи автобус ҳаракати йўлга қўйилган.

1910 йилга келибгина биринчи автобуслар Тошкент шаҳрига кириб келди.

Туркистонда автобусларнинг шаҳарлараро йўналиши бўйича мунтазам ҳаракати Москва, ҳатто, Санкт-Петербурдан аввалроқ йўлга қўйилган.

Дунёга танилган енгил машиналардан бири япон "Тойота-Королла"си ҳисобланади. Уни ер юзининг дөяри барча шаҳарларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам учратиш мумкин. "Королла" оммалашганлиги сабаби унинг содда тузилиши, ёқилги кам сарф қилиши, юқори сифатда ишлаб чиқарилганидир. Ҳозирда машина ишлаб чиқариш микдори жиҳатидан "Королла" дунёда "Кунгиз" лақабли автомобилгагина ён беради.

А.КАРИМОВ

Тоифи навбининг тикланиши

Ўзбек соҳибкорлари узумчилик билан қадимдан шуғулланиб келишди. Ўзбекистонда ўстирилётган ҳусайни, қора кишиш, сояки, чарос, соҳиб қабил узум навлари ўзининг ранг-баранглиги, ширадорлиги, серхосиллиги билан дунёга машҳур.

Машҳур ўзбек соҳибкори Ризамат ота Мусаммадов 70 йилдан зиёдроқ умрини диёримизда узумчилик ва босдорчиликни ривожлантиришга бағишлади. У яратган навузлар хануз ўз нуфузини йўқотгани йўқ. Жумладан, тоифи нави ўзининг серхосиллиги, хуштаъмлиги билан ажралиб туради.

Ризамат ота кишлоқлардан бирига кетаётганда, бир йўловчига ҳамроҳ бўлади. Халиги йўловчи аллақайси бозорда бир боши тўрт килодан зиёд келган галати узум кўрганни гапириб қолади.

Бу тоқ Ризамат Мусаммадов қайта тиклаган "тоифи" нави узум эди.

Ақбар АЛИЕВ

Шов-шувли ўланиш

Сумо кураши вакили Конискининг ўланиши Японияда энг шов-шувли воқеага айланди. Полков йигит қалпоқ билан урсанг қулайдиган нозик, кўгирчоқдай қизга ҳавас қилибди. 40 ёшдаги Конискининг вазни 253 килограмм экан. 28 ёшли келинчагининг вазни эса 48 килограмм!

Энг оғир вазндаги япониялик алп одам бир ўтириганда бир пақир картошкани, товۇқ ёки сиргир гўштини еб, томонига туриб қолган оқватни 120 шиша пиво билан ҳам қилар экан. Ора-орасида ичадиган ўнлаб стакан вискини айтмас экан бўлади.

Қидирбой Тўлабоев



СПОРТ

"Чагаев — жиддий рақиб"


— деяр тан оломқда профессионал бокснинг суперогир вазнида WBO таснифи чемпиони Султон Ибрагимов

Россиялик боксчи Султон Ибрагимов ҳамюртимиз Руслан Чагаевга қарши жорий йилнинг 13 октябрь санасида рингга қайтарилишидан хабарингиз бор, албатта.

Москва шаҳрида ўтказилган ана шу баҳсининг барча расмийлик томонлари келишиб олинди. Кунин кеча эса Султон биринчилардан бўлиб ўзининг навбатдаги рақиб Руслан Чагаев ҳақида фикрларини билдириб ўтди:

— Айни пайтда Чагаевга қарши баҳс олиб боришни мақсад қилим. Аслида Олег Маскаев ёки Владимир Кли-

кодан бирини танласак ҳам бўларди. Уларнинг режалаштирган "жанг"лари борлиги сабабли ўзбекистонлик боксчи номзодига тўхтадик. Руслан билан бўладиган баҳсим ҳам қийин кечилишни ҳис этиб турибман. Унинг сўнги жангини томоша қилиб, Руслан жуда кучли спортчи эканлигига яна бир бор ғувоҳ бўлдим. Валуев билан бўлган жангда ҳар томонлама устунлик Николда эди. Аммо Руслан ўша кунни галаба қозонишни кўпроқ хоҳлади ва бу учун кўпроқ ҳаракат қилди. Қисқаси, ўзбекистонлик рақибим ўзида галаба бўлган хоҳишини ва кучни топа ола-



БОКС

диган чарм қўлпоқ усталаридан.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз, Руслан Чагаев ва Султон Ибрагимов жанги голиби бирдангина икки йўналиш (WBA ва WBO) чемпионлик камарларига эгалик қилади. Камарларни бирлаштирувчи охириг бешлашув эса бундан саккиз йил муқаддам (1999 йил) ўтказилган. Ушанда Леннокс Льюис ва Эвандер Холифилд рингда бир-бирига рўбарў келганди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Пунада учта медаль қўлга киритилди

Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида енгил атлетика бўйича Осие Гран-приси навбатдаги босқичи бўлиб ўтди. Унда иштирок этган ҳамюртларимиз учта медаль билан тақдирланди.

100 метр масофага югуриш баҳсларида қитъанинг энг кучли спортчиларидан саналган Гузал Хуббиева қумуш медалга эгалик қилди. Гузал Таиландда ўтказилган Гран-прида маррага барча рақибларидан олдин

етиб келиб, олтин медаль билан тақдирланди. Балангликка сакраш баҳсларида 191 сантиметр натижа кўрсатган Надежда Дусанова ҳам қумуш медалга соҳибаси бўлди. Найза улоқтириш бешлашувларида иштирок этган Лилия Дусметова бронза медални қўлга киритди. У найзани 49 метру 70 сантиметру узоқликка улоқтирди.

ФУТБОЛ

"МЮ" бойимокда

"Tribalfootball"нинг ёзишча, "Манчестер Юнайтед" клуби ўз ҳимоячиси Херард Пике ва ҳужумчиси Жезепе Россини 14 миллион фунт-стерлингга сотиб юбормоқчи.

Интернет сайтининг ёзишча, Херардга Испаниянинг "Сарагоса" клуби даъвогар бўлиб турибди. Жезепеге Италиянинг "Парма"си ҳаридор. 20 ёшли бу футболчилар жорий мавсуми айнаан шу клубларда ижарада ўтказганди. Бундан қўйиб турибди, улар ўз ўйинлари билан "Сарагоса" ва "Парма" мутасаддиларининг эътиборини қозонишган. "Кизил иб-лислар" рақобатлари ҳар бир футболчи учун 7 миллиондан талаб қилишмоқда.



Мария чорак финалда

Унинг рақиб Томми Хаас жароҳати борлиги боис турнирдаги иштирокини аяқулади ва Федерер чорак финалга тўғридан-тўғри йўл олди.

Турнирнинг 2004 ва 2006 йиллардаги чемпионлари Мария Шарапова ҳамда Амели Моресмога 1/8 финал йўлидаги рақибларини мағлубиятга уратиб учинчи сет кифоя қилди. Чорак финалнинг қолган иштирокчилари душанба кундаги баҳслардан сўнг маълум бўлади.

Фазлиддин АБИЛОВ

ТЕННИС

Йирик теннис турнири ҳисобланган "Уимблдон — 2007" (Англия) чорак финалчилари маълум бўлмоқда. Кунин кеча бўлиб ўтган баҳслардан сўнг Роже Федерер чорак финал йўлланмасига эга бўлди.

Бош муҳаррир Чор ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Саид АҲМАД, Уктам БАРОЕВ, Агит АДИЛОВ, Уткир РАҲМАТ, Хайбат ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДА-ЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Фахриддин КАЛОНОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:

Кўпўшма: 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 136-56-25, Котибият — 133-95-17, Реклама ва алоқалар — 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс — 133-44-43, 133-09-93.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Коракалпоғистон Республикаси — 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон — 8-374-22-234-08; Бухоро — 8-365-22-644-61; Жиззах — 8-372-22-606-34; Наманган — 8-363-22-606-525; Самарканд — 8-373-61-221-97; Самарканд — 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё — 8-376-46-526-61; Сирдарё — 8-367-37-23-813; Тошкент — 8-371-136-56-21; Хоразм — 8-362-22-623-50; Қашқадарё — 8-375-22-765-42.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

матни учун буюртмачи жавобгар

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - ракам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Хайат"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-617, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қороз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.45 Адади — 13752

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru